

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**274 «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон
қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тад-
биркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон матбуот
ва ахборот агентлигининг «Биржа» газетасини «Банкротлик тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотлар (кейин-
ги ўринларда банкротлик тўғрисидаги маълумотлар деб аталади) эълон қили-
надиган расмий нашр (кейинги ўринларда расмий нашр деб аталади) этиб
белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, расмий нашр:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида камида 5000 нусхада тарқатилади ва банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар ҳафтада эълон қилинишини таъминлайди. Банкротлик тўғрисидаги маълумотлар матнлари давлат тилида эълон қилинади ва бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни улар манфаатдор шахслардан олингандан ва эълон қилинганлик ҳақи тўлиқ ҳажмда тўлангандан кейин ўн кун мобайнида эълон қилади;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг газетанинг Интернетдаги сайтида қўшимча ҳақ ундирилмасдан жойлаштирилишини, шунингдек сайтда жойлаштирилган маълумотлардан бепул фойдаланилишини таъминлайди;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз вақтида қабул қилиб олинишини ҳамда кўрсатиб ўтилган маълумотларни эълон қилиш бўйича расмий нашр хизматлари учун тўловларни, шу жумладан электрон тўловлар тизими орқали таъминлайди.

3. Белгилансинки:

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни расмий нашрда эълон қилиш қиймати, шрифтнинг йириклиги камида 7 пункт ва интерлиньяжи камида 8 пункт бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда бир квадрат сантиметр учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1,0 фоизидан ошиши мумкин эмас;

банкротлик тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 июнь,
160-сон